

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**

**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
TERMIZ FILIALI**



**“TIBBIYOTDAGI ZAMONAVIY ILMIY
TADQIQOTLAR: DOLZARB MUAMMOLAR,
YUTUQLAR VA INNOVATSIYALAR”
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI TO‘PLAMI

2022-yil 13-may

TERMIZ – 2022

углеводородлар - 40 млн. т, азот оксиди - 20 млн. т ва курғошиннинг зарарли бирикмаларини чиқаради.

Сўнгги 10 йилда пойтахтда автомобиллар сони икки баравардан зиёдроққа ошгани, жамоат транспорти йўналиш тармоқлари ўтган асрнинг 80-йилларида тузилгани, аммо шу вақтга қадар мукамал тарзда қайта кўриб чиқилмагани, оқибатда шаҳар жамоат транспорти тизимида жиддий муаммолар йиғилиб қолгани мавжуд вазиятни тобора мураккаблаштирамоқда. Инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиши сабабли атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳар доим ташвиш уйғотган. Ҳавонинг ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, аллергия ва нафас олиш тизими касалликларини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун биз нафас олаётган ҳавонинг сифатли бўлиши жуда муҳим. Деярли ҳар бир йирик шаҳар атмосферасида юқори миқдорда ифлослантирувчи моддалар кузатилади, улар экотизим ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосининг эколого-гигиеник ҳолатини йиллар динамикасида ретроспектив таҳлил қилишни мақсад қилдик. Ишни бажаришда қонуний меъёрий ҳужжат **СанҚ ва М** “Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг РЭК рўйхати” дан фойдаланилди.

Биз аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосининг эколого-гигиеник ҳолатини 2017-2020 йиллар динамикасида ретроспектив таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: 2017 йил умумий олинган намуналар сони - 1902 та (100%), улардан - 263 таси (13,8%), 2018 йил умумий олинган намуналар сони - 1950 та (100%), улардан - 323 таси (16,5%), 2019 йил умумий олинган намуналар сони - 1677 та (100%), улардан - 198 таси (11,8%), 2020 йил умумий олинган намуналар сони - 973 та (100%), улардан - 130 таси (13,3%) гигиеник талабларга жавоб бермаган. Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкин 2018 йилдаги намуналар бошқа йилларга нисбатан кўп гигиеник талабларга жавоб бермаган. Бу эса атмосфера ҳавосини доимий мониторингни олиб бориш аҳамиятини кўрсатади.

АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ БАХОЛАШ

Шерқўзиева Г.Ф., Бобоева .И.Ў., Умуров Ш.С.

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон

Сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо бойликларидан бири ҳисобланади. 2025 йилга бориб сув танқислигидан 2 миллиард киши азият чекиши кутилмоқда. Охириги 150 йил мобайнида аҳоли жон бошига нисбатан ичимлик суви 4 мартага камайиб кетган. Атроф-муҳит кўрсаткичлари халқаро рейтинг агентлиги дунё мамлакатларининг сув сифати бўйича рейтингга кўра, 180 та давлат орасида Австрия, Финляндия, Греция, Исландия, Ирландия, Малта, Нидерландия, Норвегия, Швейцария ва Буюк Британия сув сифати юқори бўлган мамлакатлар ўнлигига кирди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қозоғистон 54, Ўзбекистон 58, Туркменистон 76, Қирғизистон 78, Тожикистон 119, Афғонистон 125-ўринни эгаллади. Таъкидланишича, 1 миллиарддан ортиқ кишининг дунёда тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконияти йўқ. Ҳисоб-китобларга кўра, Марказий Осиёда тахминан 22 миллион киши соғлиқ учун хавфсиз сув манбаига эга эмас.

Сув танқислиги муаммоси бўлган мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон **25-ўринни** эгаллайди. Сўнгги **10 йилда** Ўзбекистонда сув захиралари **12 фоизга**, жорий йилда ўтган йилги билан солиштирганда 15 фоизга камайган. Ҳукуматнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш стратегияси кўра, 2030 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминоти даражасини 91 фоизга, шаҳарлар ва туман марказларидаги оқова сув тизими

таъминоти даражасини 16 фоиздан 31 фоизга етказилиши режалаштирилган. **Маълумотларга кўра, инсон умри давомида ўртача 75 тонна сув истеъмол қиларкан. Хусусан, катта ёшдагилар бир кеча-кундузда 2,5-3 литр сув истеъмол қилди. Шундан 1,2 литри ичимлик сувига тўғри келади, 1 литри турли озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар таркибидаги сув орқали истеъмол қилинади, 0,3 литри организмда модда алмашинуви жараёнида пайдо бўлади.** Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи ифлосланган сув орқали юқишини аниқладилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда биз ҳам қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг ичимлик суви сифатининг эколого-гигиеник баҳолаш ва мақсад қилиб олдик. 2020-2021 йиллар давомида биз Нарпай туман аҳолисига берилаётга ичимлик сувининг санитар – кимёвий ва бактериологик жиҳатдан гигиеник талабларга қай даражада жавоб бераётганлигини ретроспектив таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: Туман худудида 3та водопровод иншоатлари мавжуд, булар: 2020 йил давомида Оқтош шаҳар водопровод тармоғидан бактериологик текширувга 182та сув намуналари олинган, шулардан 5 та сув намунаси (2,7%) гигиеник талабларга жавоб бермаганлиги аниқланди. Хўжаликлардаги водопроводлардан 100 та сув намуналари олинган, шулардан 5 таси (5,0%) талабга жавоб бермаган. Хўжалик водопроводларидан 281 та сув намуналари олинган, шулардан умумий қаттиқлик кўрсаткичи бўйича 6 таси (2,1%) жавоб бермаган.

2021 йил давомида Оқтош шаҳар водопровод тармоғидан бактериологик текширувга 295та сув намуналари олинган, шулардан 16 та сув намунаси (5,4%) гигиеник талабларга жавоб бермаганлиги аниқланди. Хўжаликлардаги водопроводлардан 153 та сув намуналари олинган, улардан 4 таси (2,6%) талабга жавоб бермаганлиги аниқланган.

Олинган натижалар таҳлили аҳолининг сувнинг сифатига боғлиқ бўлган саломатлигини сақлашда муҳим роль ўйнайди, профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқишга илмий асос бўлади.

СУРХОНДАРЁДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ХИЗМАТИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

Эрданаев Р.Х., ТТА Термиз филиали. Ўзбекистон

Мавзунинг долзарблиги. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ, қилиш муаммолари борасида тез тиббий ёрдам (ТТЁ) кўрсатиш хизматини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Тез тиббий ёрдам хизмати Соғлиқни сақлаш тизимида ўзига хос ўринни эгаллаб, у шикастланганларга, ўткир хасталикка чалинганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди. Шошилиш шароитлар ёки ушбу шароитнинг пайдо бўлиши учун таҳдидлар юзага келганда сифатли тиббий ёрдам олдиндан ташкил этилган тизим, аниқ белгиланган кўрсатмалар ёки стандартлар асосида яхши тайёргарликдан ўтган малакали тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилади.

Тез ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни ташкил қилиш билан боғлиқ кўпчилик муаммолар мамлакатимиздаги туманлар ва вилоятларнинг географик хилма-хиллиги, улардаги аҳоли зичлиги, аҳоли яшаш пунктларининг бир-биридан олисда жойлашганлиги ва нотекислиги, алоҳида минтақаларда аҳоли ҳаракатланиш хусусиятлари, инфратузилма ва транспорт тизимлари ривожининг турли-туманлиги билан боғлиқдир. Ушбу хусусиятлар бугунги кунда амал қилаётган тез ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишга ўз таъсирини ўтказмоқда. Тез тиббий ёрдам хизмати БТСЁ шаклларида бири ҳисобланади. Тез тиббий ёрдам хизматининг тарихи 100 йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олади.

Мақсад. Сурхондарё вилоятида тез тиббий ёрдам фаолиятида иш олиб борётган фельдшерларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш.

Мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар белгиланди:

ГИГИЕНА ПИТАНИЯ ДЛЯ ШКОЛЬНИКОВ <i>Хайитова Ш.И.</i>	205
ПРИЧИНЫ НАРУШЕНИЙ ЗРЕНИЯ И ИХ ПРОФИЛАКТИКА <i>Худойбердиев С.Э.</i>	206
БОЛЕЗНИ ОРГАНОВ ПИЩЕВАРЕНИЯ КАК МЕДИКО-СОЦИАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА <i>Шаймардонов Б.Х.</i>	210
ПРОБЛЕМА ОЖИРЕНИЯ, АЛЛЕРГИИ, КОМОРБИДНОГО ФОНА НА ФОНЕ COVID-19 <i>Шайхова Г.И., Абдуллаева Д.Г., Асрорзода З.У.</i>	211
АВТОТРАНСПОРТ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ЭКОЛОГИК МУАММОСИ СИФАТИДА <i>Шерқўзиева Г.Ф., Аллаярова Г.А.Оразбаева Ш.Е.</i>	212
АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ХОЛАТИНИ БАХОЛАШ <i>Шерқўзиева Г.Ф.,Бобоева .И.Ў.,Умуров Ш.С.</i>	213
СУРХОНДАРЁДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ХИЗМАТИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ <i>Эрданаев Р.Х.</i>	214
ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ И ДРУГИХ ОРГАНОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН <i>Якубов Ф.Р., Сапаев Д.Ш., Рузметов Б.А.</i>	215

FARMAKOLOGIYA ~ ФАРМАКОЛОГИЯ ~ PHARMACOLOGY ~	
THE ROLE OF ALPHA-LIPOIC ACID IN THE TREATMENT OF DYSLIPIDEMIA IN PATIENTS WITH CORONARY ARTERY DISEASE <i>Allaeva M.J., Boboyev B.M., Achilov D.D.¹, Nuralieva D.X.</i>	217
ИЗУЧЕНИЕ БЕЗВРЕДНОСТИ НОВОГО ГИПОГЛИКЕМИЧЕСКОГО ПРЕПАРАТА У ЛАБОРАТОРНЫХ КРЫС. <i>М.Ж.Аллаева, Д.Д.Ачилов, Г.Ю. Джанаев</i>	218
ГИПОГЛИКЕМИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ БАД «ФИТОДИАБЕТОЛ» <i>Аллаева.М.Ж.,Махсумов Ш.М., Зайцева О.А., , Ачилов Д.Д.², Нуралиева Д.Х.³.</i>	219
АНТИСЕПТИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ <i>Амонова З Х . Маххмараимов Ш Т. Нигматова М У.</i>	221
O‘TKIR ISHEMIK INSULT BILAN KASALLANGAN BEMORLARDA “KALGEN” PREPARATINI DAVOLASH JADALLIGIGA TA’SIRINI O‘RGANISH. <i>Atashev A.R., Nabiyev N.I.</i>	221
ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ВА ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИКГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ХОЛДА ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ЎЗИГА ХОСЛИГИ <i>Ачилов Д.Д., Курмашева Ж.К., Мухаммадиев. Ф.Н.</i>	222